



**НАУЧНЫЙ
ИМПУЛЬС**

ЦЕНТР НАУЧНОЙ
ПОДДЕРЖКИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ СОВРЕМЕННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

НАУЧНЫЙ ИМПУЛЬС



**Последние
новости**

**Последние
образование**

**Последние
исследование**

И НОВЫЕ НАУКИ



Международный современный научно-практический журнал

Научный импульс

№ 4 (100)
Ноябрь 2022 г.

Часть 2

Издается с августа 2022 года

Москва 2022

Председатель редколлегии:

Гуляева Елена Камаловна - Представитель технической поддержки

Редакционная коллегия:

Макаровский Руслан Сергеевич - Заведующий кафедрой организационного управления Института прикладного анализа поведения и психолого-социальных технологий, практикующий психолог, специалист в сфере управления образованием.

Арестова Инесса Юрьевна – канд. биол. наук, доц. кафедры биоэкологии и химии факультета естественнонаучного образования ФГБОУ ВО «Чувашский государственный педагогический университет им. И.Я. Яковлева», Россия, г. Чебоксары;

Ахмеднабиев Расул Магомедович – канд. техн. наук, доц. кафедры строительных материалов Полтавского инженерно-строительного института, Украина, г. Полтава;

Бахарева Ольга Александровна – канд. юрид. наук, доц. кафедры гражданского процесса ФГБОУ ВО «Саратовская государственная юридическая академия», Россия, г. Саратов;

Бектанова Айгуль Карибаевна – канд. полит. наук, доц. кафедры философии Кыргызско-Российского Славянского университета им. Б.Н. Ельцина, Кыргызская Республика, г. Бишкек ;

Волков Владимир Петрович – канд. мед. наук, рецензент АНС «СибАК»;

Елисеев Дмитрий Викторович – канд. техн. наук, доцент, начальник методологического отдела ООО "Лаборатория институционального проектного инжиниринга";

Комарова Оксана Викторовна – канд. экон. наук, доц. доц. кафедры политической экономики ФГБОУ ВО "Уральский государственный экономический университет", Россия, г. Екатеринбург;

Лебедева Надежда Анатольевна – д-р филос. наук, проф. Международной кадровой академии, чл. Евразийской Академии Телевидения и Радио, Украина, г. Киев;

Маршалов Олег Викторович – канд. техн. наук, начальник учебного отдела филиала ФГАУ ВО "Южно-Уральский государственный университет" (НИУ), Россия, г. Златоуст;

Орехова Татьяна Федоровна – д-р пед. наук, проф. ВАК, зав. Кафедрой педагогики ФГБОУ ВО «Магнитогорский государственный технический университет им. Г.И. Носова», Россия, г. Магнитогорск; **Самойленко Ирина Сергеевна** – канд. экон. наук, доц. кафедры рекламы, связей с общественностью и дизайна Российского Экономического Университета им. Г.В. Плеханова, Россия, г. Москва ;

Сафонов Максим Анатольевич – д-р биол. наук, доц., зав. кафедрой общей биологии, экологии и методики обучения биологии ФГБОУ ВО "Оренбургский государственный педагогический университет", Россия, г. Оренбург;

Милютин Николай Даминович – Доктор юридических наук;

Сергеев Анатолин Викторович – Кандидат биологических наук.

Научный импульс: научный журнал. – № 3(100). Часть 1. М., Изд. «МЦНО», 2022.

Журнал «Научный импульс» освещает сферу духовно-просветительского мышления человека, общественно-политическую жизнь человека, институты гражданского общества, глобальные проблемы, проблемы образования, новые технологии, производимые сегодня, реформирование системы образования и публикуются научные статьи, посвященные открытому научно-популярному анализу.

METODIKASI Qo'ldoshev Rustambek Avezmurodovich Sharipova Feruza Shakar qizi	
SHARAQAY O'QUVCHILAR BILAN ISHLASH VA YOZUVGA O'RGATISH JARAYONIDA FOYDALANADIGAN INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR (1-SINF MISOLIDA) Qo'ldoshev Rustambek Avezmurodovich Subhonova Sabohat Usmonovna	427
ОБУЧЕНИЕ ПРАВИЛЬНОМУ ПРОИЗНОШЕНИЮ ЗВУКОВ Гафурова Дилбар Хакимовна	433
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Рахмонова Гуллола Шавкатовна Набиева Сарвиноз Отабек қизи	438
МАКТАВГАСНА YOSHDAGI BOLALARNING IJODIY QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISHDA OILANING AHAMIYATI Eshova Dilbar Shonazarovna	442
СУЩНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПОНЯТИЯ «ТВОРЧЕСКИЕ СПОСОБНОСТИ» Эшова Дилбар Шоназаровна	448
СОВРЕМЕННЫЙ ДОШКОЛЬНИК КАК ФЕНОМЕН СОВРЕМЕННОГО РАЗВИВАЮЩЕГО ОБРАЗОВАНИЯ Гулбахор Давроновна Ниязова	454
МАКТАВГАСНА YOSHDAGI BOLALARNI MULOQOTGA O'RGATISH METODIKASI Hasanova Gulnoz Qosimovna Farmonova Nozimaxon Sobirjon qizi	464
МАКТАВГАСНА ТА'ЛИМ JARAYONIDA BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA MAQOL VA MATALLARNING O'RNI Hasanova Gulnoz Qosimovna G'aybulloyeva Marjona Habibullo qizi	470
МАКТАВГАСНА ТА'ЛИМ TASHKILOTI GURUHLARIDA KICHIK FOLKLOR JANIRLARIDAN FOYDALANISH USULIYOTI S.S.Avezov	476
СУВ ВА ОЛОВ ОБРАЗЛАРИНИНГ АДАБИЙ-ИРФОНИЙ АСОСЛАРИ Низомова Шохиста Шодиевна Убайдуллаева Покизабону Қаҳрамон қизи	482
ЗАМОНАВИЙ ШЕЪРИЯТДА ОЛОВ ОБРАЗЛАРИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИН ХУСУСИЯТЛАРИ Низомова Шохиста Шодиевна	487
МАКТАВГАСНА ТА`ЛИМДА STEM ТА'ЛИМ MODULI M.M.Nigmatova SH. J.Jo`rayeva	492
МАКТАВГАСНА YOSHDAGI BOLALARGA ZAMONAVIY DUNYONING TARBIIYASIGA TA'SIRI M.M.Nigmatova Z.O`Nematova	498
РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ БУДУЩИХ ВОСПИТАТЕЛЕЙ ДОШКОЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ Мирзаева Дилфуза Шавкатовна	505
МАКТАВГАСНА YOSHDAGI BOLALARDA EKOLOGIK TARBIIYANI SHAKLLANTIRISH.	511

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Рахмонова Гуллола Шавкатовна

Бухоро давлат университети,

Набиева Сарвиноз Отабек қизи

Бухоро давлат университети

Мактабгача таълим йўналиши

3-босқич талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада дидактик таълимий ўқув жараёнларни сифат ва самарадорлигига эришишда таълим субъектлари нутқи, тафаккури, тараққиётининг турли даражада ривожланганлигига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилган, маълумотларни қабул қилиш даражаси, кўрсатма қуроллардан ўринли фойдаланиш йўли билан ўзаро тушунмаслик маълум даражада чегараланганлиги ҳақида ёзилган.

Калит сўзлар.Субъект, тараққиёт, дифференциал, компетентлик, дидактик, тафаккур.

Аннотация: В этой статье написано, что при достижении качества и эффективности дидактических образовательных процессов требуется уделять особое внимание различной степени развития речи, мышления, освоению учебных предметов, степени принятия информации, взаимопонимания при обучении посредством соответствующего использования оружия в какой-то степени ограничен.

Ключевые слова:Предмет, развитие, дифференциал, компетентность, дидактика, мышление.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-595-сонли “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.05.2019 йилдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 05 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Дидактик таълимий ўқув фаолиятлар ўқитувчи ва талабалари ўртасида илиқ психологик муҳит яратишини тажрибаларимиз давомида гувоҳи бўлдик. Шунга кўра биргаликдаги ижодий дидактик фаолият-бўлажак тарбиячиларнинг тафаккурини ривожлантиришда муҳим педагогик омил бўлиб хизмат қилади. Мазкур жараённинг методик имкониятлари асоси сифатида таълимнинг: вербал таълим; индивидуал таълим; топшириқли таълим; муаммоли таълим; дифференциал таълим турларини талқин этдик. Уларнинг элементларини ўзаро қўшиб, таълимнинг бинар, тринар кўринишларини талабаларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиб шакллантириш мумкин. Буларнинг барчасида талабалар ижодкорлигини тарбиялаш, тафаккур жараёнини ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Шундай бўлгач, ўқиш фаолиятининг субъектлик сифати таълим типларининг барчаси билан ҳам дахлдор. Дидактик таълимий ўқув жараёнларни сифат ва самарадорлигига эришишда таълим субъектлари нутқи, тафаккури, тараққиётининг турли даражада ривожланганлигига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Маълумотларни қабул қилиш даражаси, кўрсатма қуроллардан ўринли фойдаланиш йўли билан ўзаро тушунмаслик маълум даражада чегараланади.

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда ижтимоий ўзгаришлар – илмий-техник, маданий, турмуш соҳаларидаги – шу қадар салмоқли ва тез содир бўляптики, ҳеч ким шубҳа қилмайди: бугунги талабаларга уларнинг ота-оналари ва ўқитувчилари яшаган дунёдан бутунлай фарқ қиладиган жамиятда яшашга тўғри келаяпти. Шунинг учун ҳам катталар таълим-тарбия соҳасидаги ўз ютуқларини фақат билим ва малакаларни қай даражада талабаларга етказганликлари билан эмас, балки талабаларни катта авлод яшаган даврда бўлмаган ва бўлиши мумкин бўлмаган шарт-шароитда мустақил ҳаракат қилиш ва қарор қабул қила олишга ўргата олганликлари билан ҳам баҳолашлари керак бўлади.

Талабаларининг тафаккурини ривожлантиришда фаолият субъекти сифатида қараш улар ижодкорлигига (нутқ ўстириш жараёни бевосита ижодкорлик билан боғлаб изоҳланаяпти) оид қатор принципларни ажратиш имкониятини беради.

-Мустақиллик. Таълимда шахсларнинг фаоллиги-субъектлиги мустақиллик орқали белгиланади.

-Фаоллик. Мустақилликка ўхшаб фаолликни ҳам икки хил тасаввур қилиш мумкин: ташқаридан ичкарига ҳаракат.

-Онглилик. Онглилик, аввало, инсоннинг руҳий олами, ўз олдига мақсад қўйиб, унга интилишида намоён бўлади.

-Зиддиятлилик. Таълим жараёнида зиддиятли ҳолатларни ҳосил қилиш йўли билан болаларда ижодкорликни тарбиялаш педагогик ва психологик асарларда кенг ёритилган.

-Сабабиятлилик. Шахс сабабиятли боғланишларни қанча чуқур англаса, уларни таҳлил қилса, ижод қилиш йўллари ҳам шунча яхши эгаллаб олади.

-Умумийлик ва хусусийликнинг бирлиги. Табиат, жамият ва онг ҳодисалари, нарса-предметларнинг ҳар бири умумий ҳамда хусусий белгиларга эга. Улар умумий хусусиятларига кўра бир-бирига яқин синфни ташкил қилишса, хусусий белгиларига кўра алоҳида нарса-ҳодиса сифатида қаралади. Масалан, тилимиздаги сўзларнинг барчаси умумийлик орқали боғланган бўлиб, "сўз" тушунчаси остида тўпланса, отга оид сўзлар ўзаро хусусийлик белгиларига кўра бир синфни ташкил этади. Яна бир мисол: ўсимлик -умумийлик, дарахт - хусусийлик. Бу ҳодиса онгда, тафаккурда умумий ва хусусий белгилар ҳаракати шаклида амал қилади. Шундай бўлгач, таълимда умумийлик ва хусусийликнинг бирлиги ўз аксини топмоғи шарт. Атрофимиздаги нарса-ҳодисаларни ўзига хос белгиларга риюя қилиб ўргатиш индуктив усул саналади. Тарихан индукция умуминсоний билишнинг энг қадимий йўли бўлиб, у ўз моҳиятига кўра тафаккур жараёнларининг самарали кечишини таъминлайди.

Олий таълим муассасалари талабаларида талабалар билан ўзаро ижодий ҳамкорлик қилишда айрим ўзига хос педагогик ва психологик талаблар борки, ўқитувчи уларга доим амал қилиши зарур бўлади. Бу қуйидагилардир:

- талабаларининг ижодий интилишларини таҳлил орқали аниқлаш;
- гуруҳ талабалари билан ўтказиладиган ишлар режаси ва жадвалини ишлаб чиқиш;
- ижодий фаолиятни қизиқарли усулларда ўзаро ҳамкорликка йўналтириш;
- биргаликда фикрлаш, лойиҳалаш, моделлаштириш ва ижодий яратувчанликни шакллантириш;
- ижодий педагогик техника усулларини тўлиқ эгаллаш;
- юқори даражадаги муомала маданиятига эга бўлиш;
- талабалар ижодий. интилишларини илғаб олиш;
- дидактик таълимий жараёнлар орқали олий таълим муассасалари талабалари нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш.

Диссертация мавзуси доирасида амалга оширилган эмпирик тадқиқот, назарий-методологик ҳамда дискурсив таҳлиллар креатив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш моделини шакллантиришда унинг интегратив ва синергетик компонентлари элементларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Мазкур модел бўлажак тарбиячиларнинг тафаккурини ривожлантиришнинг институционал-ташкилий, педагогик, технологик, рефлексив ва квалиметрик механизмлари интеграциялашган машғулотлар ўртасидаги

узвийлик ҳамда узлуксизликни таъминлаш орқали креатив ёндашув асосида педагогларнинг фаоллигини ошириш, мотивация ҳамда қўллаб-қувватлаш, шунингдек ресурсларни мақсадли йўналтириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида талабалар тафаккурини ривожлантириш учун зарурий муҳитни яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рахмонова Г. Ш. и др. АХЛОҚ-ШАХС ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЮҚОРИ МАЪНАВИЙ ПОЙДЕВОРИ //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 160-165.
2. Рахмонова Г. Ш. и др. ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 108-113.
3. Rakhmonova G. S. The Content of the Development of Spiritual and Moral Competencies of Students //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 179-183.
4. Рахмонова Г. Ш., Жалилов З. Б. РАЗВИТИЕ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННЫХ СПОСОБНОСТЕЙ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ //Academy. – 2020. – №. 12 (63). – С. 62-64.
5. Рахмонова Г. Ш., Насруллаева М. Н. К. Методика проведения занятий по развитию речи в дошкольных образовательных учреждениях //Academy. – 2019. – №. 12 (51). – С. 93-94.
6. Рахмонова Г. Ш. СОДЕРЖАНИЕ РАЗВИТИЯ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ У СТУДЕНТОВ //Проблемы педагогики. – 2022. – №. 1 (59). – С. 14-16.
7. Рахмонова Г. ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ //Материали конференцій МЦНД. – 2021.
8. Shavkatovna R. G. Methods of formation of spiritual and moral competencies in the education of future teachers //Academicia: an international multidisciplinary research journal. – 2021. – Т. 11. – №. 2. – С. 976-980.
9. Shavkatovna R. G. Formation of Spiritual and Moral Attitudes of the Student's Personality //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 10.
10. Рахмонова Г. Ш., Тошхонова З., Тоҳирова М. ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 1032-1037.